

## ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛИГИ - ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҲОДИСА

С. АЗИЗОВА\*

Бир юз ўттиз йилдан кўпроқ Россия-Совет мусулмонларнинг ўз бошидан кечирган ўзбек халқи яна мустақил тараққиёт йўлига тушди. Зулм ва итоатнинг бу тарзига қарши курашга ижтимоий аҳоли, назарий-сиёсий тайёргарлиги, диний позицияси ва, албатта, моддий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқиб, аҳолининг аксарият барча табақалари у ёки бу даражада тортилган эди. Бу курашда советча расмиятда «феодал-клерикал», «буржуача миллатпараст», «панисломчи», «пантуркчи» деб тавсифланган зиёлилар алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, «демократ шоирлар» деб юритилган ижодкорлар фаолияти ҳам муайян аҳамиятга эга бўлди. Бу маърифатпарвар кучларнинг ҳозирги истиснони тайёрлашдаги ўрни тан олингандир.

Зиёлиларнинг жадид-маърифатпарварлар<sup>1</sup> деб номланган қисми, айниқса, ажралиб турган. Уларнинг маърифатпарварлик доирасида илгари сурган гоялари, уюшган ташкилотлари ва амалга оширган ишлари зарур ижтимоий-маданий мақомат даражасида бўлди. Яъни, кенг маънода олинган Туркистон жамияти объектив талаблари эҳтиёжларига кўра майдонга келиб, кечган жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида улар макон ва вақт тавсифларига кўра минтақа маданий ривожланиши даражаларини ифодаладилар.

Дарҳақиқат, моҳиятини «Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган кизгин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилган жадидчилик», профессор Б.Қосимов таъкидлаганидек, «шунчаки «янги» ё бўлмаса, «янгилик тарафдори» дегани эмас. Балки «янги тафаккур», «янги инсон», «янги авлод» сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган» йўналиш эди.

Кишилик маънавий ҳаётини ўрганишда «маърифат» тушунчаси ёрдамсиз иш кўриб бўлмайди. Бу тушунчада анъанавий маънода билим, унинг тарқалиши, таълимий-тарбиявий ва маданий-оқартув муассасалар иши тизими англанади.

Кўринадик, унда таълим, ўқиш, ўқитиш ишлари асосий ўрин тутди ва, айни пайтда, бу унинг тор маъносини ҳам билдирди.

Кенг маънода ишлатиладиган «маърифат» тушунчаси баъзи ҳолларда қўлланилишига кўра, «маънавият» тушунчаси салмоғига яқинлашиб қолади. Дарҳақиқат, маънавиятнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва ўзгаришини маърифатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу тушунчадан ясалган, ундан ҳосил бўлган «маърифатчилик», «маърифатпарварлик»ларда эса ушбу соҳа ташувчиларининг фаолияти касбкорлик нукта назаридан ифодаланади. «Маърифат», «маъ-

рифатчилик», «маърифатпарварлик» тушунчалари инсоният цивилизациялари жараёнларининг бутун эъза тарихи давомида қўлланилиб келинади.

Маърифатпарварлик ўзининг келиб чиқиши, мавжуд бўлиши ва ўзгаришида ялпи цивилизациявий қонуниятларга бўйсунса-да, қайси заминда қарор топганлигига кўра ва қайси даврда мавжудлигига боғлиқ ҳолда минтақавий-цивилизациявий ўзига хосликларга ҳам эга. Таъкидлаш ўринлики, маърифатпарварликнинг умумий ва хусусий намоён бўлиши доимо ўзаро боғлиқдир.

Шарқий цивилизациялар маърифатпарварлиги келиб чиқиши ва амалда бўлишига кўра жуда узок вақтни камрайди ва ҳар бир босқичи алоҳида даврни ташкил қилади. Буни адабий маърифатпарварликка татбиқан олганда, профессор Ш.Юсуповнинг «Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик жуда узок тарихга эга»<sup>2</sup>, деган фикри эътиборга молик.

Энг характерли жиҳат шундаки, Шарқ маърифатпарварлигида мавжуд шароитларда келиб чиқиши билан тобора жаҳоний мақом касб этган динларни ёйиш, сингдириш ва мослаштириш марказий ўринларда турган. Одатда, буни ижтимоий-диний ислохотчилик деб аташ қабул қилинган. Бунга мисол тарихида исломдаги муътазиллийларнинг олдиндан фатал белгилаб қўйилганлик гоясига қарши чиқиб, эътиқод, эзгулик ва адолатнинг мезонини ақлда кўрганлигини келтириш мумкин.<sup>3</sup> Ислоҳ цивилизациясининг ўз даврига мос келган, бу даврнинг талабларига жавоб берган маърифатпарварлиги араб этномаданий доирасидан ташқаридаги илгари жаҳон цивилизацияси марказлари бўлган ҳудудларга ҳам ёйилиб, янги юксак маънавий-маданий муҳитни яратган эди.

«Шарқ анъанавий жамиятлари шароитларида такрорланиб турадиган ижтимоий турғунликдан чиқиш учун таракқийпарвар кучлар ақл-идроқнинг ўрни ва аҳамиятига катта эътибор берганлар. Одатда, ҳар бир монотеистик дин пайгамбарининг тарғиботидан кейинги даврлар қатор мамлакатларни қамраб олган умумий жараённинг ифодаси бўлган»<sup>4</sup>.

Муҳаммад пайгамбар тарғиб қилган дин Арабистон ярим оролида ҳукм сурган политеизм<sup>5</sup> жаҳолатига чек қўйиб, нафақат араблар тақдирида, балки Яқин Шарқнинг барча халқлари, шунингдек, форсийлар, туркийлар, хиндлар, индонезлар, Осиё ва Африканинг ва ҳатто, Европанинг бир қатор халқлари маданиятида туб ўзгаришлар ясади. Шунга кўра, «ислом дунёси», «араб-ислом цивилизацияси» атамалари Жаҳон халқлари лексикасидан мустаҳкам жой олган.

\* Азизова С. – Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети аспиранти.

Шарк маърифатпарварлиги янги замон тарихида цивилизациявий колоқликка, ижтимоий турғунликка қарши кураш ғарб мустамлакачилигига қарши миллий озодлик ҳаракати талаблари билан қўшилиб кетган.

Туркистон – Ўзбекистон халқлари тарихига татбиқан олганда, бу ерда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида қарор топган маърифатпарварлик минтақа маънавияти ривожланишида қонуний босқич сифатида жамиятда конкрет вазиятларда мавжуд бўлган зиддиятларни ўзида акс эттирмаслиги мумкин эмас эди. Даставвал, бу маърифатпарварликнинг бир хил йўналишда бўлмаганлигида кўринди.

Умуман олганда, Марказий Осиёдаги бу маърифатпарварлик турдош ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида Европа маърифатпарварлиги билан умумий мавзу ва мақсад-этиборига кўра боғлиқдир. Қолган жиҳатларда эса анчагина фарқлар бор. Булар куйидагилардир:

1. Европада маърифатпарварлик Уйғониш даври (Англияда эса буржуа демократик инқилоби галабаси) билан ҳам тақозоланган бўлса, Туркистондаги маърифатпарварлик араб-мусулмон – Шарк Ренессанси (УП-ХУ асрлар) доирасида олдин кечган.<sup>8</sup> Чингизхоннинг ҳалокатли босқинидан сўнг, орадан 150 йилча вақт ўтиб, Амир Темур ва кейинроқ ҳам унинг етук ворислари даврида энг юксак даражада бўлган. Сўнгра эса хийла узок давр цивилизациявий турғунлик ҳукм сурди.

2. Европада маърифатпарварлик фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва, ҳатто даҳрий тармоқларга бўлинган ҳолда ривожланган бўлса, Туркистонда маърифатпарварлик бундай тармоқланиш даражасига кўтарилмади. Бунинг бир қатор жиҳатлари мавжуддир: аввало, Шарқда, жумладан, Туркистонда ҳам фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрлар анъанавий адабиёт, ҳусусан, поэзия билан боғлиқ ҳолда ривожланган; қолаверса, мавжуд ижтимоий шарт-шароитларнинг колоқлиги, феодал таркоқлик ва бошқалар ижтимоий фикрда маърифатпарварликнинг тармоқланиши масаласини бевоқифа кун тартибига қўймади.

Бутун Туркистон, жумладан, унинг Бухоро ва Хива каби Россияга вассал қисмлари Метрополияда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар таъсирида бўлди. Шунга қарамай, Туркистон маърифатпарварлиги мураккаб ижтимоий-маданий ҳодиса эди.

Туркистон маърифатпарварлиги кўтарган массалар мантики охири-оқибатда миллий давлатчиликни тиклашни ижтимоий вазифа этиб қўйишга олиб келди. Том маънода эса бу мақсадга 1991 йилда мустақилликни қўлга киритиш билан эришилди.

Синкретиклигига кўра, Ўзбек маърифатпарварлигининг ифода тарзи, асосан, бадий адабиёт ва публицистика бўлди. Уларда инсоният дунёси жараёнларининг бош омили маориф ва билим, деб кўрсатилади. Шу боис, маърифатпарварлар дунёқарашида мавқега кўра умуминсоний кадриятлар белгиловчи бўлган.

Айни вақтда, Шарқда қадимдан давом этиб, амал қилиб келаётган анъанавийлик ва куч-ҳокимият тамойиллари<sup>9</sup> замонавий талаблар даражасида – европача фан қондалари, шу жумладан, киёсий усулда тадқиқ қилинмади. Бу эса, албатта, маърифатпарварлар илмий доирасининг чекланганини кўрсатади.

Ўзбек маърифатпарварлари бадий ижодкорлиги ўзининг аниқ, реалистик ифодаси, ёрқин, халқчил нутқи ва ўткир ҳажвиёти билан илғор ғояларни тарғиб қилиш орқали мавжуд ижтимоий колоқликни ва миллий зулмни тугатиш учун, энг аввало, кенг оммани тарбиялаш, билимли қилишга интилди. Ва бу жиҳати билан у каттагина таъсир кучга эга бўлди. Чунки маърифатпарварлик адабиёти намуналари мумкин бўлган барча воситалар (ёзма нашрлар, фольклор, ашула қилиб қўйлаш, хатотлар кўчирган кўлёмалар) орқали кенг ёйилган эди.

Умуман, янги замон ўзбек маърифатпарварлик адабиётини куйидагича даврлаштириш мумкин:

XIX аср иккинчи ярмидаги маърифатпарварлик адабиёти;

жадид адабиёти деб аталган маърифатпарварлик адабиёти.<sup>10</sup>

3. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, бешөөйча инқилоб деб тушунилган тўнтариш билан ёнма-ён ёки унинг доирасида мавжуд бўлган маърифатпарварлик адабиёти.

Булардан биринчисининг вакиллари рус фан-техникаси, маънавий маданиятининг бошқа шакллари ва тилининг тарғиботчилари бўлгани ҳолда, уларда халқимиз маданий меросини сақлаш ва уни тарғиб қилиш ҳамда Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик тартибларидан норозиликни ҳам ифодалаш мавжуд эди.

Жадид адабиётида миллий уйғонишнинг ғоят муҳим масалалари ҳам мазмунан, ҳам шаклан чуқур ифодаланган.<sup>12</sup> «Жадидчилик ўз табиатида кўра миллий ёки ижтимоий тўнтаришлар юз беришини олдиндан кўриб, унинг контурларини тафаккурда ифодалаган ва тайёрлаган ижтимоий ҳодиса-маърифатчилик мафқурасининг Туркистон варианты ҳисобланади»<sup>13</sup>.

Янгича шароитларда жадидлар динга нисбатан муносабатда хийла хилма-хил фикрларни майдонга ташлаган<sup>14</sup>. Проф. Д.Алимова ёзганидек, «умуман, жадидлар диний ғояларни ақидапарастлик қобитидан холи этишга, ҳам исломий, ҳам ғарб маданий кадриятлари билан уйғун фалсафани шакллантиришга ҳаракат қилган. Энг фаол жадидлар учун ана шундай кенг қамровли тафаккур хос эди»<sup>15</sup>.

Маълумки, маърифатпарвар зиёлиларнинг ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар бир-биридан келиб чиқишдан ташқари, у ёки бу долзарб масалага муносабатда ҳам ўзаро фарқланган. Айни пайтда, уларни бирлаштириб турган умумийлик шунда эдики, жадидлар Туркистон халқларининг миллий-давлат мураккаблигига эришиши зарурлигини тушунишда ҳамфикр бўлганлар.

1905-06 йиллар рус инқилоби таъсири остида Марказий Осиё маърифатпарварлик адабиётида

«Ватан», «халк» ва «кадр-киммат» тушунчалари янги жиҳатлар касб этди, «комил инсон» тушунчаси замона кишиси сифатида реаллик сари юз тутди. «Туркистон» атамаси шунчаки жўгрофий маънода олинмай, ижтимоий мазмунда талкин қилиниб, кенг камровли «Ватан» тушунчасида олинди. «Аҳоли» тушунчасини ҳам ижтимоий-сиёсий маънода «халк» тушунчасида кўрдилар. Миллий зулмга қарши маҳаллий халк манфаатлари умумийлигини илгари сурдилар.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари маърифат-парварлик адабиёти воқеликка эстетик муносабат нуқтаи назаридан ҳам тобора илғорликка кўтарила олган.

Бу даврда адабиёт ижтимоий мазмунни маърифатпарварликни ўзида яна ҳам тўларок ифодалаш учун анъанавий бўлмаган янги-янги жанрларни ўзлаштирди. Жумладан, миллий муаллифлар драматик асарлардан сўнг, «миллий роман»лар ҳам ёза бошлади.

Шунингдек, ўзбек адабиётида қадимдан ишлатилиб келинган вазн ҳам бадиий ифода воситаси сифатида ўзгартирилди. Агар мумтоз адабиётимизда асосий вазн аруз ўлчови бўлиб келган бўлса, маърифатпарварлик адабиётида аср бошларидан бирмунча даражада бармок вазнига ўтилди.

Бу билан «шеърят бошқа миллатлардан ўзлаштириб олинган вазнлардагина эмас, балки турк улусининг руҳидан отилиб чиққан, ... оғзаки адабиётда жуда кўп ... чархланиб, синовлардан ўтган ўз шеър тизими - бармок вазнини ўзлаштиргандагина, юксак парвозларга чиқиши мумкин эканини ўз адабий тажрибаси орқали кўрсатди»<sup>17</sup>. Ҳамза, Авлоний, Мирмуҳсин-Фикрийлар хизмати ўларок бу вазн ўзининг янги кирраларини намоён этди.

Давр адабиёти учун характерли бўлган яна бир жиҳат - адабий танқидчилик (Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермухамедовлар) масалаларининг ҳам қўйилиши бўлди.

Маълумки, жадид адабиётида тил масаласи марказий ўринга чиққан эди. Бу дастлаб адабий асарларнинг жонли халқ, тилига яқинлашуви кучайганида кўринди. Ушбу жараён ҳатто бадиий адабиётдан ташқари ўқув адабиётини ҳам камраган эди<sup>18</sup>.

Аср бошларида туркий халқларни ўзаро яқинлаштириш масаласи ҳам анча долзарб эди. Бунда энг яхши восита ҳамма учун муҳим бўлган тил эканлиги сабабли, бу тўғрида ўз вақтида туркий халқлар маърифатпарварларининг энг обрўлиларидан бўлган Исмоилбек Гаспринский кўп гапирган эди<sup>19</sup>.

Маърифатпарварлик харакатининг адабиёт ички ривожига берган кўмаги, айниқса, XX аср иккинчи ўн йиллигида энг кўп намоён бўлди. Зеро, жанрлар хилма-хиллиги, ифода воситаларини танлашдаги имкониятлар, шунингдек, миллий роман ва қатор драматик асарларнинг шу даврга тўғри келганлиги ҳам тасодиф эмас эди.

Айтиш мумкинки, XX аср бошларининг суронли даври эҳтиёжлари тугдирган бадиий ижод теран ғоявий мазмун ва зарур даражада юксак бўлган шаклларга ҳам эга бўлди.

Хулоса қилиб айтилса, дастлаб маънавий ҳаётни яхшилаш талабида турган, кейинроқ эса кўшни халқлар тажрибасидан лозим даражада фойдаланган, туб ислохот учун том маънода курашган, демокки, ўзида ялпи ижтимоий ва миллийликни ифодалаган янгича ўзбек маърифатпарварлигининг Ватанимиз тарихида, унинг истиқлолга эришувида тутган ўрни, шубҳасиз, юқоридир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Проф. Б.Қосимов қайд этганидек, «жадидчилик ... ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Яқингача ҳам у фақат маърифатчилик ҳаракати деб келинди. Бу атайлаб қилинган ... социалистик- коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини камраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди». Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, филойилик. Т., Маънавият, 2002, 6-бет.
2. Ўша жойда, 4-5-бетлар.
3. Ш.Юсупов. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фуркат. Т., Ўзбекистон, 1992, 3-бет. Олим бу қарашларини проф. А.Саъдий ва бошқа қатор олимлар ҳамда «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигининг (Т.Фан, 1980, 23-24-бетлар) сўнги жилди муаллифлари нуқтаи назарларига таянган ҳолда баён қилади.
4. Весильев Л.С. История религий Востока. Ростов-на-Дону, 1999, С. 141.
5. Ўша жойда, 169-бет.
6. Ижтимоийёт асослари. Т., Маърифат -Мадалкор, 2003, 244-бет.
7. Политензм - (юн. кўп ва худо) кўпхудолик, монотеизм — яккахудолик.
8. Бу ҳақда қаранг: Ш.Юсупов. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фуркат. Т., Ўзбекистон, 1992, 3-бет.
9. Бу тўғрида қаранг: Васильев Л.С. История религий Востока. Ростов-на-Дону, М, 1999, С. 67
10. «Жадидчилик, - деб ёзади проф.Б.Қосимов, - Туркистонда XIX асрнинг охирида майдонга келган, XX аср бошларида шаклланиб, қисқа муддатда ўзининг ҳалди аълосига кўтарилган». Б.Қосимов, ўша асар, 4-бет.
11. Бу тўғрида ўша асарда шундай дейилган: жадидчилик «1917 йилги болшевиклар тўнтаришидан кейин ҳам, социалистик диктатура ўрнатилгунга қадар ҳам ўз мавқе ва йўналишини сақлаб қола олган ижтимоий ҳаракатдир». Ўша саҳифа.

12. Қаранг: Ўша асар, 128-бет.
13. Қаранг: Тошкент давлат университетида гуманитар-ижтимоий фанларнинг ривожланиши. Т., Университет, 1995, 67-бет.
14. Бироқ «жадидчилик» динни рад этмади. Аксинча, уни тараккий қилдириш, замонавийлаштириш йўлидан борди». Б.Қосимов. Ўша асар, 134-бет.
15. Д.Алимова. Ҳақиқатнинг туташ манзили. «Тафаккур», 2000, №2, 57-бет.
16. Бу ҳақда қаранг: Б.Қосимов. Ўша асар, 136-139-бетлар.
17. А.Фитрат. Танланган асарлар. 1-ж., Т., Маънавият, 2000, 13-бет.
18. Қаранг: Б.Қосимов. Излай-излай топганим. Т., 1983, 102-104 бетлар.
19. Қаранг: Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т., Маънавият, 2002, 88-бет.

### РЕЗЮМЕ

В статье художественное творчество джадидов просветителей Туркестана рассматривается как явление, обусловленное социальными потребностями национально-колониальной окраины и культурным уровнем традиционного общества, которые остро нуждались в модернизации.

### SUMMARY

In this article the author deals with the artistic creation of jadidian-enlighteners of Turkestan. It causes with national-colonial and cultural level of the traditional society which was sharply needed in the modernization.